



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2019 йил 19 апрель, № 79 (7309)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин 18 апрель куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали мяхмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов қутиб олди. Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Инха университетига ташриф буюриб, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ҳамкорлигида амалга оширилаётган телемедицина лойиҳаси тақдироти билан танишди. Корея Республикаси

Президенти Мун Чжэ Иннинг ўз ташрифини Тошкентдаги Инха университетидан бошлашда ўзига хос рамзий маъно бор. Ушбу университет Жанубий Кореянинг Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи олий таълим муассасаси бўлиб, мамлакатларимиз ўртасидаги илмий-амалий ҳамкорлигининг ёрқин рамзига айланган. 2014 йилда фаолият бошлаган университет мамлакатимизда IT-технологияларини ривожлантириш, Корея Республикасининг бу соҳадаги салоҳиятини юртимизда татбиқ этишга

салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда компьютер технологиялари ва дастурий инжиниринг ҳамда логистика йўналишларида 1 300 дан ортиқ талабалар тахсил олмақда. 2018 йили университетни тугатган биринчи 100 нафар битирувчининг аксарияти мамлакатимиздаги нуфузли компания ва ташкилотларда фаолият юритмоқда. Битирувчиларнинг бир гуруҳи Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг етакчи университетларида магистратурада ўқишни давом эттирмоқда.

Мун Чжэ Ин университетда ўқитувчи ва талабалар учун яратилган шарт-шароит билан танишди. Корея Республикаси раҳбарига Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги телемедицина ривожлантириш буйича «Digital Health Care» кўшма лойиҳаси ҳақида маълумот берилди. Ундан кўзланган мақсад Корея Республикаси тажрибасидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда рақамли тиббиётни ривожлантиришдир. «Digital Health Care» лойиҳаси Жанубий корейлик ва ўзбекистонлик шифокор-

лар ўртасида масофадан туриб беморларни даволашда маслаҳат ва ташхис алмашиш шаклида ҳамкорлик қилишга қаратилган.

Инха университети госпитали экспертлари лойиҳанинг дастлабки натижаларини Ўзбекистондаги тиббиёт муассасаларидан бирида олдиндан ўрганиб, кейинчалик уни бошқа шифохоналарга татбиқ этиди. Лойиҳа Расмий тараққиёт ёрдами (Official Development Assistance, ODA) дастури кўмағида молиялаштирилди.

Лойиҳа Тошкент тиббиёт академияси, Тошкентдаги Инха университети ва Жанубий Кореядаги Инха университети госпитали, «Hanjin Information Systems & Telecommunication Co., Ltd.», «U-SHIN C & C Co., Ltd.», «HeSei Co., Ltd.» компаниялари ҳамкорлигида амалга оширилди.

Президент Мун Чжэ Ин Корея Республикаси билан Ўзбекистон ўртасида йўлга қўйлаётган мазкур янги йўналиш мамлакатларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз ҳамкорлигини барча соҳалар қатори тиббиёт буйича ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда Жанубий Кореянинг соғлиқни сақлаш тизими лицензиялари тан олинган, шифокорларимиз бу ерда кенг фаолият олиб бормоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, рақамли тиббиёт соҳасида Жанубий Кореянинг имкониятлари ва Ўзбекистоннинг ушбу йўналишга катта қизиқиши томонлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, халқларимизнинг ҳаёт сифатини юксалтиришга хизмат қилади. Мамлакатларимиз «тўртинчи sanoat инқилоби» даврида стратегик шериклар сифатида ҳамкорликни

давом эттиради, деди Мун Чжэ Ин.

Президент Жанубий Корея ҳукуматининг ушбу лойиҳада фаол иштирок этишини қайд этиб, янги йўналиш мамлакатларимизнинг тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишига ишонч билдирди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 19 апрелга мўлжалланган.

Давлат раҳбарлари Кўксарой қароргоҳида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотнинг давоми сифатида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник ва гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ташриф дастуридан Президент Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси аъзолари, икки мамлакат етакчи компаниялари бизнес форуми катнашчилари билан учрашувлари ҳамда Тошкент шаҳрида Корея маданияти ва санъати уйининг очилиш маросимида иштирок этиши ўрин олган. Шунингдек, Самарқанд шаҳрига ташриф режалаштирилмоқда.

Музокаралар якунида Кўшма декларация қабул қилиш, салмоқли ҳукуматлар ва идоралараро ҳужжатлар тўплами, шунингдек, савдо шартномалари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш буйича битимлар имзолаш мўлжалланмоқда.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини ошириш мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ортиқ қисми яшайётган қишлоқларнинг фаровонлик даражасини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Шу муносабат билан сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимида институционал ислохотлар амалга оширилди, пахта хом ашёси ва бошоқли дон маҳсулотларининг давлат томонидан кафолатланган харид нархларини сезиларли даражада кўпайтириш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги оширилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер модели кенг жорий этилмоқда, натижада охириги йилларда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этди.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда самарали бозор механизмларининг мавжуд эмаслиги тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш имконини бермапти.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан бошқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини давлат томонидан харид қилишнинг бозор механизмларини жорий этиш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши буйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ:

1. **Қуйдагилар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг** (кейинги ўринларда — **Вазирлик**) **асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:**

биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларда бозор тамойилларини жорий этиш, илғор тажриба ва фан уюқларини, замонавий ресурс теҳовчи ва интенсив агротехнологияларни жорий этишни назарда тутувчи **қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат хавфсизлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;**

қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотишда замонавий кооперация муносабатларини кенгайтириш орқали **қишлоқ хўжалиги ва озик-овқат маҳсулотларининг қўшилган қиймати** занжири яратилишини рағбатлантириш; **агробизнеснинг кластер моделини кенг жорий этиш чора-тадбирларини амалга ошириш**, кластерлаш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги тармоқларида кластерларни ташкил этиш ва ривожлантириш буйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш; **агротехник тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг молиявий барқарорлиги, ҳосилдорлиги паст ерлар унумдорлигини ошириш, озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини оширишга кўмаклашадиган **қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш;**

(Давоми 2-бетда). >>>

## Ўзбекистон — Жанубий Корея: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

— Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси стратегик шериклардир. Жанубий Корея юксак даражада тараққий этган, улкан иқтисодий, илмий-техникавий, инновацион ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат сифатида дунёда эътибор қозонган. Очқиклик, ўзаро англашув ва манфаатларга ҳурмат асосида қарор топган ҳамкорлигимизни юксак қадрлаймиз.

**МУН Чжэ Ин,**  
Корея Республикаси Президенти

— Корея Республикасида Буюк Ипак йўли тамаддуни ўчоғи бўлган Ўзбекистонга қизиқиш тобора ортмоқда. Уйлайманки, ўтган йили жорий этилган визасиз тартиб ва бу йилдан авиарейслар сони оширилгани туфайли келажақда фуқароларимиз ўртасида борди-келди янада кўпаяди. Бундан ташқари, мамлакатларимиз қадим анъана ва маданиятга эга. Умид қиламизки, бу ўзаро алмашинувлар ва мулоқотни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

### Эксклюзив интервью

ЛИ Донг Ук,  
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг  
Жанубий корейлик ўринбосари:

## «Ўзбекистон тиббиёти ривожига ҳисса қўшиш менга фахр бағишлайди»

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари буйича ўринбосари маслаҳатчиси, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Жанубий корейлик мутахассис Ли Донг Ук билан суҳбатимиз мамлакатимизда тиббиёт ривожини истиқболлари ва бу соҳада Корея Республикаси тажрибаси ҳақида бўлди.

— **Жаноб Ли, келинг, дастлаб Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатлари, жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик хусусида тўхталиб ўсангиз?**

— Аввало, таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилган. Буни ҳар икки давлат раҳбарларининг

мунтазамлик касб этаётган олий даражадаги учрашувлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Иннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи ҳам дўстона алоқаларнинг янги босқичини бошлаб беришга, уни янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.



**2018 йилда икки томонлама савдо айланмаси 2,1 млрд. АҚШ долларига етди.**

**Мамлакатимизда Корея Республикасининг 75 та компанияси аккредитациядан ўтказилган.**

**Ўзбекистонда Корея Республикаси инвесторлари иштирокида 660 та корхона фаолият олиб бормоқда.**

**Шундан 354 таси тўлиқ хориж капитал асосида ташкил этилган.**

(Давоми 2-бетда). >>>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

кенг қўламли замонавий молиявий хизматларни ривожлантириш ва сифатли қишлоқ хўжалиги техникасида фойдаланиш имкониятини ошириш орқали қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни рағбатлантириш;

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғларини тайёрлаш, фойдаланиш ва экспорт қилишининг замонавий тизимини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий селекция навлари, шу жумладан, биотехнологик навларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш;

ўсимликларни химоя қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, зараркундалар ва бегона ўтларга қарши курашиш, агрокимёвий хизмат кўрсатиш ва тупроқни муҳофаза қилиш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

таблиц, фан ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг тизимли асосда узвий интеграциялашувини, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг юқори малакали соҳа мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш.

2. Куйдагилар: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази ва унинг илмий-тадқиқот муассасалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш давлат маркази Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологияларини сертификатлаш ва синаш маркази этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази ва унинг бўлиналари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этилган ҳолда;

Тошкент давлат аграр университети ва унинг

филиаллари амалдаги молиялаштириш тартибини сақлаб қолган ҳолда Вазирлик ихтиёрига ўтказилсин.

3. Белгилансинки: Вазирлик тизимидаги илмий-тадқиқот муассасаларининг био ва нанотехнологиялар, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навларини яратиш ва жорий этиш бўйича фаолияти Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида меҳнат ва моддий-техник ресурслар сарфи меъёрларини ишлаб чиқиш ва янгилаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

4. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Узагрокимёхимоя" АЖ билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги агрокимёвий хизмат кўрсатиш ва ўсимликлар химоясини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин, бунда Вазирлик хузурида қуйидаги вазифаларни амалга оширувчи ихтисослашган хизмат ташкил этилиши назарда тутилсин:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини ўсимликларни химоя қилиш кимёвий ва биологик воситалар билан таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ўсимликларни химоя қилиш бўйича профиллактик ва интеграциялаштирилган чора-тадбирларни ўз вақтида ташкил этиш;

мулкчилик шаклидан қатъи назар, экин майдонларида, томорқа ерларда, иссиқхона хўжаликлариде фитосанитария ҳолати устидан доимий кузатув ва назорат олиб бориш, қишлоқ хўжалиги экинлари зараркундалари, касалликлари ва бегона ўтлар ривожланиши ва тарқалишини прогноз қилиш;

ўсимликларни химоя қилиш кимёвий воситаларини ташиш, сақлаш, сотиш ва қўллаш, қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитларни агрокимё ҳаританомалари асосида тупроқнинг озуқа моддалари билан таъминланганлигини ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда етказиб бериш бўйича белгиланган қоидаларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.

5. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси билан биргаликда халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда уч ой муддатда ишлаб

чиқилаётган "Ақлли қишлоқ хўжалиги" концепцияси доирасида қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш соҳасини молиялаштириш лойиҳалари ва манбалари бўйича таклифлар киритсин.

6. Белгилаб қўйилсинки: Вазирлик ихтиёрига ўтказиладиган ташкилотлар тегишли ташкилотларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалар бўйича ҳуқуқий ворислари ҳисобланади; лимон ва грек вёноғи ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар, картошка ишлаб чиқарувчилар уюшмалари раҳбарлари таъсисчилар умумий йиғилиши қарори билан сайланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, Вазирлиқнинг бюджетдан ташқари маблағлари, шу жумладан, вақтинча бўш турган бюджетдан ташқари маблағларни тижорат банклари депозитларига жойлаштиришдан, хизматлар кўрсатишдан олинмаган даромадлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Вазирлик марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари ва туманлар (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари фаолиятини молиялаштириш, ходимларни моддий рағбатлантириш (иш ҳақи, мукофот пуллари, устамалар ва бошқа пул мукофотларини тўлаш) манбалари ҳисобланади.

7. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда халқаро молия институтлари экспертларини жалб қилган ҳолда уч ой муддатда дон маҳсулотлари нархларини тартибга солишининг бозор механизмларини жорий этиш бўйича таклифларни;

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда халқаро (хорижий) молия институтлари ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда бир ой муддатда хорижий тажриба ва жойлардаги ҳақиқий аҳолини чуқур таҳлил қилиш асосида аниқ молиявий манбаларни ва механизмларни кўрсатган ҳолда қуйидагиларни назарда тутуви 2019 — 2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун фойдаланилмаётган ер майдонларини ўзлаштириш концепцияси лойиҳасини киритсин;

замонавий ирригация ва мелиорация технологиялари ҳамда ерларни суғориш усулларини кенг жорий этиш;

тўғридан-тўғри инвестицияларни, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаол жалб этиш;

Концепцияни амалга оширишда иштирок этувчи тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш.

8. Куйдагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5418-сонли Фармонининг 2 ва 8-бандлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3671-сонли қарорининг 1 ва 2-бандлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузурида Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази фаолиятини ташкил этиш; Тошкент давлат аграр университети фаолиятини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузурида Уруғчиликни ривожлантириш маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари лойиҳаларини киритсин.

10. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

туманлар (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги: зарур ҳолларда бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик хузуридаги ташкилотлар ва муассасалар тузилмасига ўзгартишлар киритиш;

Вазирлиқнинг ҳудудий бўлиналари тузилмаларини ва бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида уларнинг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиҳа институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, экспертларни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳуқуқи берилсин.

3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда билим тарқатуви мутахассиси ва тренерларни тайёрлаш учун Тошкент давлат аграр университети ҳамда унинг Нукус, Андижон ва Термиз филиаллари хузурида ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини таъминласин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини, жойлаштирилишини ва самарали фаолият кўрсатишини таъминласин.

4. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда интеграциялашган электрон ахборот айирбошлаш тизими ва портали, шунингдек, агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг техник кўмаги ва грант маблағларини жалб этиш масаласини белгиланган тартибда қўриб чиқсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳияти, захира ерлари тўғрисидаги ахборотлар, статистика ва гидрометеорологик маълумотлар, инфратузилма объектилари ва коммуникация тармоқлари билан таъминланганлиги ҳамда соҳага доир бошқа маълумотлардан иборат "invest.gov.uz/agro" Ўзбекистон инвестиция порталида тегишли ахборот блоки ва унинг мобил иловаси яратилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 майдан:

Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашининг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,4 баравар оширган ҳолда қўлланилади;

ҳудудий бўлиналар ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашининг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,2 баравар оширган ҳолда қўлланилади.

Ушбу бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Вазирлик бир ой муддатда:

а) Вазирлиқнинг янги ташкил этилган таркибий ва

идоравий бўйсунувидаги бўлиналари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқласин;

Вазирлиқнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлиналарини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, Вазирликка юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

б) халқаро ташкилотларнинг ва хорижий мамлакатлар молиявий муассасаларининг техник кўмаги ҳамда грант маблағларини жалб қилган ҳолда ҳудудларда агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) тармоқларини босқичма-босқич ташкил этишга доир "Йўл харитаси"ни тасдиқласин;

в) аниқ кўрсаткичлар ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган Вазирлик, унинг бўлиналари ва улар раҳбарларининг фаолиятини баҳолашининг мулкка юнги тизимини жорий этиш, яқин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини стратегик ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 17 апрель

БИЗ ва ЖАҲОН

Берлин давлат кутубхонасида Имом Бухорий асарининг қўлёзмалари сақланмоқда

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази вакилларида иборат делегация Берлин давлат кутубхонасида бўлиб, бу ерда сақланаётган буюк аждодларимиз қаламига мансуб нодир қўлёзмаларни ўрганиш, қадимий асарларни каталоглаштириш, уларнинг электрон нусхаларини яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.



Берлин давлат кутубхонаси 1661 йилда ташкил этилган. Зияли маскани Европанинг кўплас тилларда, ҳамма соҳа бўйича қарийб 11 миллионга китобларни жамлаган энг йirik маданий муассасалардан бири. Бу ерда Шарқ маданиятига оид 43 мингта қадимий асар, жумладан, мусулмон цивилизациясига тааллуқли 17 мингта қўлёзма, 8 мингта миниатюра сақланади. Улар орасида ҳадис илми султони Имом Бухорий қаламига мансуб "Саҳиҳи Бухорий" асарининг 30 дан зиёд қўлёзмалари мавжуд.

2013 йилдан бошлаб Берлин давлат кутубхонаси Шарқ қўлёзмаларининг электрон нусхаларини яратиш устида ишламоқда. Ҳозирги пайтга қадар 4500 та асарнинг электрон шакли тайёрланди. Ўзбекистон делегациясининг Германияга ташрифи асосида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан нашр этилган, буюк алломаларимиз илмий меросига оид китоблар тақдироти ҳам ўтказилди. — Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази томонидан тақдим этилган китоблар Берлин давлат кутубхонаси учун энг яхши сова бўлди, — дейди зияли масканининг Шарқ бўлими масъул ходими

Торальф Ханштайн. — Ушбу манбалар Шарқ халқлари, айниқса, мусулмон маданияти билан танишиш истагидаги китобхонларимиз учун қимматли асарларга айланиши, шубҳасиз.

Берлин давлат кутубхонаси илмий ходими Роза Туляшеванинг қайд этишича, маданий алоқалар, айниқса, кутубхоналар ўртасидаги илмий алмашинув халқларни бир-бирига янада яқинлаштиради, узаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлайди.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг IX — XVII асрларга оид тарихини, хусусан, теурийлар ва хонликлар даври қўлёзмаларини ўрганувчи тадқиқотчилар учун Берлин давлат кутубхонаси энг фойдали манбадир.

Учрашувда Берлин давлат кутубхонаси билан Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Қўлёзмаларнинг электрон нусхаларини яратиш бўйича биргаликда иш олиб бориш, Ўзбекистонда чоп этилган замонавий нашрларнинг тақдимотини ўтказиш шулари жумласидандир.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

«Ташаббус — 2019»га янги номинациялар киритилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиладиган "Ташаббус — 2019" кўрик-танловининг қуйи босқичлари бошланмоқда. Аникроғи, Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 14 апрелдаги тегишли фармойишига кўра, мазкур нуфузли танловнинг туман (шаҳар) босқичи жойларда 22 апрелдан 15 майга қадар ташкил этилади.

Танлов

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида шулар хусусида сўз юритилди. Палата раиси ўринбосари У. Бўтаевнинг айтишича, аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу

кўрик-танлов экспортбоп маҳсулотлар тайёрлаб ёки замонавий хизмат кўрсатиб, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш орқали нафақат ҳудудлар, балки республикамиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш-

га ҳисса қўшаётган инсонларни рағбатлантиришда аини мудида бўлаётир. Бинобарин, тадбиркорлик субъектлари, фермерлар иқтисодиётимизнинг таянч кучларидир.

"Ташаббус"нинг қуйи босқичларида сараланган иштирокчилар 20 майдан 12 июнгача бўладиган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ўзаро беллашиб, энг муносиб номзодлар 20-21 июнь кунлари ўтказиладиган республика босқичига йўлланмани қўлга киритадилар.

Улар орасидан голиблар "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери", "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" асосий номинациялари бўйича аниқланади.

Бундан ташқари, кўрик-танловнинг республика ташкилий кўмитаси қарорига биноан, "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Энг яхши оилавий бизнес соҳиб", "Йил-

нинг энг яхши маҳсулоти" сингари қўшимча йўналишлар бўйича ҳам совриндорлар рағбатлантирилади. Шунингдек, бу йил бир нечта янги номинациялар киритилган. "Энг яхши намунали солиқ тўловчи", "Туризм соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси учун" номинациялари шулар жумласидандир.

Ғолиб ва совриндорларни тантанали тақдирлаш маросими 22 июнь кунини ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи»).

# Ўзбекистон — Жанубий Корея: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

ЛИ Донг Ук, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг Жанубий корейлик ўринбосари:

## «Ўзбекистон тиббиёти ривожига ҳисса қўшиш менга фахр бағишлайди»



корликни ривожлантириш марказини ташкил этиш ва бошқариш бўйича ўзаро англашув меморандуми ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда. Бу ҳам тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликни янги bosқичга олиб чиқади, албатта.

— **Ўзбекистонда фаолият бошлаганингизга унча кўп бўлмади. Илк таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз.**

— Ўзбекистон — улкан салоҳиятга эга мамлакат. Бу фикрни бугун дунё жамоатчилиги бот-бот эътироф этмоқда, десам, муболаға бўлмайди. Чиндан ҳам, мураккаб тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлаётган юртингиз иқтисодиёт, илм-фан, таълим, маданият, спорт, айниқса, тиббиёт соҳасида катта ютуқларга эришмоқда. Бундан етти йил аввал илк бор Ўзбекистонга ташриф буюрганимда халқингизнинг меҳмондўстлиги, самимиёти қалбимдан чуқур жой эгаллаганди. Ушанда Ватанимга қайтиб кетаётиб, яна юртингизга келишни ният қилгандим. Мана, яна Тошкентдан. Биласизми, илк ташрифимдан кейин орадан кўп вақт ўтмаган бўлса-да, Ўзбекистонда амалга оширилган ислохотларни кўриб, тўғриси, ҳайратдаман.

Ўзбекистон тиббиёти билан танишиш давомида Корея Республикаси тиббиёт соҳасидаги баъзи ўхшашликларга ҳам ғувоҳ бўлдим. Масалан, сизларда ҳар бир вилоятда қишлоқ оилавий поликлиникалари иш олиб боради. Бизда ҳам шундай: барча ҳудудда биринчи тиббий ёрдам курсатишга мўлжалланган пунктлар бор. Соҳадаги изчил ислохотлар эса юқоридаги каби ўхшаш жиҳатларнинг янада кўпайишига замин яратишига ишонаман.

— **Соғлиқни сақлашни жадал ривожлантириш учун нималарга эътибор қаратиш керак, деб ўйлайсиз ва бу борада қандай ишлар олиб бориляпти?**

— Шу ўринда Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унда тиббиёт соҳаси ривожини йўлида қилиниши керак бўлган муҳим ва-

зифалар аниқ кўрсатиб ўтилган. Халқаро стандартлар ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида соҳани комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, мажбурий тиббий сўғуртани жорий этиш, тизимни молиялаштириш ва ташкил этиш, давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмдан фойдаланишнинг энг яхши амалиётларини қўллаш, инвестицияларни жалб этишда қўлай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш ҳамда «Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг тартибда яратиш каби йўналишлар шулар жумласидандир.

Ушбу вазифаларнинг барчаси

«Биргина соғлиқни сақлаш соҳасини оладиган бўлсак, айни пайтда Тошкент шаҳрида замонавий тиббиёт ва илм-фаннинг энг сўнги ютуқлари асосида жадал сурьатларда барпо этилаётган Болалар кўп тармоқли тиббиёт марказини икки томонлама ҳамкорликнинг самараси сифатида баҳолаш мумкин. Ушбу улкан мажмуа 2020 йилда фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Умумий қиймати 130,58 миллион АҚШ долларини ташкил этадиган мажмур тиббиёт марказини куриши ва жиҳозлаш билан бир қаторда, марказда ишлайдиган кадрлар малакасини ошириш бўйича ҳам кўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Янги тиббиёт муассасаси 280 ўринга эга бўлиб, клиникада кунига 250 беморни қабул қилиши ва йилига 2 мингга яқин энг мураккаб ва ноёб операцияларни ўтказиш имконияти яратилади».

ри, қайта таҳлил топшириш, бир қанча тиббий маълумотномаларни кўтариб юришга ҳожат қолмайди. Аммо электрон маълумотлар базасини ташкил этиш учун дастур ишлаб чиқилиши лозим. Ҳозир шу масала устида ишлаяпти.

— **Изчил саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, сўнги йилларда юртимиз тиббиётини ривожланиб борапти. Соғлиқни сақлаш тизими тараққиётини қандай таъминлайсиз?**

— Ўзбекистонга биринчи ташрифим тиббиёт соҳасига алоқадор эмасди. Аммо бу галгиси айни соҳа билан бевосита боғлиқ бўлгани учун юртингиз тиббиёти билан танишишга ҳаракат қилдим. Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон тиббиётига оид маълумотлар, амалга оширилаётган ислохотлар, шифокорларнинг энг яхши намуналарига малака ошираётгани, шунингдек, хорижда ишлаётган ўзбекистонлик шифокорларнинг Ватанга қайтиб, фаолият юрита бошлагани ҳақида

қўнган эдим. Тиббиёт соҳасида кўлаб янгиликлар қилинаётганидан билиш мумкин, ушбу йўналишга давлат томонидан катта эътибор қаратилган.

Юртингиздаги меҳнат фаолиятим давомида оналар ва болалар саломатлиги низоида кадрларнинг билим ва кўникма-ҳиссада тиббий текширувлардан ўтиб, «Б» шифохонасига муолажа учун боради. Бунда «А» тиббиёт муассасаси ходимлари «Б» шифохонасига беморнинг таҳлиллари натижалари ва у ҳақдаги бошқа маълумотларни етказди. Натижада бемор сифатли, тўлиқ тиббий ёрдам олиш имконига эга бўлади. Бундан ташка-

## Ислохот Таълим-тарбияда ЭНГ ЯХШИ тажрибадан фойдаланилмоқда

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан ислох қилишда ўзимизда шаклланган миллий ёндашувлар билан бирга, Жанубий Корея тажрибасидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил ноябрь ойида Корея Республикасига амалга оширган давлат ташрифи доирасида бу борада қатор муҳим келишувларга эришилди.

Мактабгача таълим вазири Агриппина Шиннинг таъкидлашича, тизимни комплекс ривожлантириш, болаларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган чора-тадбирларни белгилашда Жанубий корейлик мутахассислар билан яқин ҳамкорлик қилинапти. Боғчаларнинг давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий дастурлар ҳамда технологияларни тартиб қилишга қаратилган ҳамкорликдаги ишлар изчил давом эттириляпти.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 июлдаги қарори асосида Тошкент шаҳрида ташкил қилинган Корея Республикасининг Пучон университетида, биринчи навбатда, мактабгача таълим муассасаларининг педагог кадрлари, шунингдек, корейс тили, архитектура ва дизайн соҳаси мутахассислари тайёрланмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 324-мактабгача таълим муассасасининг жаҳон стандартларига мос ҳолда реконструкция қилинишига Жанубий Кореянинг «New Millenium Construction» компанияси ва Сежон университети маблағлари йўналтирилди. Бугунги кунда ушбу боғчага ташриф буюрган киши борки, ўзига хос муҳитга ғувоҳ бўлади. Ҳар бир хона шинам ва ёруғ. Қулай мебеллар, спорт ва ўйин анжомлари, ўқув-методик материаллар, ўйинчоқлар билан жиҳозланган санъат хонаси, спорт зали кичкинтойларнинг ижодий қоби-

лятларини ривожлантиришга, саломатлигини мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда. Муассасада болалар учун мўлжалланган ошхона ҳам мавжуд бўлиб, у ерда жажжи ошпазлар хавфсиз плиталарда овқат тайёрлаш билан машғул. Кўркам футбол майдончаси эртамиз эгаларининг «миллионлар ўйини»га бўлган қизиқиш ва меҳрини ошираётди.

Юртимиз мактабгача таълим тизими мутахассислари Корея Республикасида бўлиб, навқирон авлод таълим-тарбияси йўлида олиб борилаётган ишлар билан танишиб, малакасини ошириб қайтмоқда.

Болаларни боғча ёшиданок санъатга ошно этишга алоҳида аҳамият қаратишмоқда. Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида «Booyoung Housing Co. LTD.» компанияси билан имзоланган шартномага мувофиқ, икки мингта рақамли пианино юртимиздаги таълим муассасаларига бепул етказиб берилляпти.

Амалга оширилаётган бундай ишлар жондан азиз дилбаландларимизни мактабга сифатли тайёрлайдиган замон андозаларига мос комплекс тизимни яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, Юрбошимиз таъкидлаганидек, қайси соҳани оламлиқ, замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгартириш, фаровон ҳаётга эриша олаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генотипини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи»)

### Модернизация

## Инвестициялар ўзини оқлаяпти

Анджон вилоятида Жанубий корейлик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 35 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Сўнги 20 йил мобайнида мажмур мамлакат ишбилармонлари саъй-ҳаракати билан минглаб иш ўринлари яратилди. Нафақат вилоят, балки юртимиз ички бозори учун ҳам мулақо янги бўлган 37 турдаги махсулот ўзлаштирилди. Эътиборли жиҳати, 2018 йилнинг ўзида улар томонидан тайёрланган 633 миллиард 161 миллион 811 миң сўмлик махсулотлардан 94,4 миң АҚШ доллари қийматидагиси ташқи бозорда сотилди.

Жумладан, Анджон шаҳрида 2010 йилда фаолиятга йўлга қўйилган «O'zEgae Climate Control» қўшма корхонаси мамлакатимизда муваффақиятли ишлаётган йирик тадбиркорлик субъектларидан биридир. Бу ерда автотомобиллар учун совитиш радиаторлари, иситиш, вентиляциялаш ва хавони кондициялаш модуллари каби 40 дан ортқ турдаги бутловчи қисмлар тайёрланади. 2016 йилдан ҳамкорлик келишувига асосан Россиянинг «УАЗ Патриот» русумли автомобиллари учун иситиш радиаторлари етказиб бериш йўлга қўйилди. Натижада йил давомида 15 миңдан зиёд сифатли махсулотларни экспорт қилишга эришилди.

Бундан 20 йил аввал фаолият бошлаган «Uz-Dongju Paint Co» корхонаси эса автотомобиллар учун лок-бўёқ махсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

ҳисобига ишлаб чиқариш кўламини йилга 300 миң тўппамни ташкил этди. Шу билан бирга, спорт махсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цех ҳам барпо қилинди. Бу ерда футбол, волейбол ва баскетбол тўппарида ташқари, спорт оёқ пойабзаллари ҳам тайёрлаш ўзлаштирилди.

Ҳамкорлик алоқалари шу билангина чекланиб қолгани йўқ, албатта. Сўнги йилларда, айниқса, таълим, соғлиқни сақлаш, савдо соҳасидаги муносабатлар ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Масалан, Жанубий Корейнинг ривожланган тиббиёт марказлари мутахассислари Анджон вилоятига ташриф буюриб, юзлаб ўта мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказишди.

Жанубий корейлик ва маҳаллий тадбиркорлар ҳамкорлигида яна янги лойиҳалар устида иш олиб боришмоқда. Мажмур иштиқболли бизнес-режаларнинг амалга ошириши нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига ҳам муносиб ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»)

## КОРИА нега айнан Ўзбекистонни танлади?

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги дўстона алоқалар самараси ҳар жабҳада ўз аксини топмоқда. Республикаимизда ушбу мамлакат сармоядорлари ёки мутахассислари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган турли лойиҳалар фикримиз тасдиқидир. Юртимизда бир неча йиллардан буён фаолият юритиб келаётган КОРИА (Korea Program on International Agriculture) маркази шулардан бири.

### Агросаноат

— Биласиз, Жанубий Корея ялпи ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги етакчи давлатлар сирасига кириди, — дейди ушбу марказ директори, Тошкент давлат аграр университети фахрий профессори АН Хи Сунг. — КОРИА Корея Республикасининг Қишлоқ ҳўжалиги тараққиёти бошқармаси томонидан ташкил этилган. У, асосан, қишлоқ ҳўжалиги технологиялари бўйича Жанубий Корея ва ҳамкор давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли муносабатларини йўлга қўйиш билан шуғулланади. Ҳамкор давлатлардаги тадқиқотчи-лар билан билим ва тажриба алмашиш орқали маҳаллий молашув ва уруғчиликни ривожлантириш, фермерларга ўз тажрибаларини ўргатиш, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ташкилотининг асосий фаолият йўналишидир.

Ўзбекистонда 2009 йилда иш бошлаган бўлса, ўтган даврда қишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган бир қатор илмий институтлар билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Натижада қўп-

риллаётган йирик лойиҳалар ҳақида сўз юритганда, Анджон вилоятида жорий йилдан бошлаб йўлга қўйилган соя етиштириш, Тошкент вилоятидаги ўзумчилик лойиҳаларини алоҳида қайд этиш жоиз. Буларнинг ҳар бирига 30 миң АҚШ доллари миқдориди маблағ ажратилади. Агар у муваффақиятли амалга оширилса, янада кенг миқёсда давом эттирилади. Ҳозир Корея Республикасидан келган икки нафар мутахассис Тошкент давлат аграр университетининг Анджон филиалида соя етиштириш бўйича семинарлар ўтказмоқда. Бундан ташқари, аччиқ қалампир экспорт буйича ҳам Қорақалпоғистон Республикасидан тортиб барча вилоятларда семинарлар ташкил этиш баробарида, биз учун ажратилган бир гектардан зиёдроқ майдонда етиштирилган қўчталарни ҳам тарқатяпти.

Ўзбекистон — табиати бетакрор юрт. Иқлими қишлоқ ҳўжалигига жуда мос. Замини соҳаватли. Махсулотлар таъми ўзгача. Фойдаланиш мумкин бўлган ерлари кўп. Фақат ушбу соҳада илмий асосланган ишлар янада жадаллаштирилса, техник жиҳатдан ривожлантирилса, экспорт салмоғини янада ошириш мумкин. Шу маънода, бугунги кунда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан бу борадаги ишларга катта эътибор қаратилиб, бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани диққатга сазовор.



Масалан, иссиқхоналар ташкил этишдаги саъй-ҳаракатлар шулар жумласидандир. Агар Ўзбекистон махсулотларни экспорт қилиб етиштирилса, бу мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда катта фойдадир.

Ҳозирги кунда Жанубий Корея Ўзбекистондан анор, ёнғоқ, қовун каби қишлоқ ҳўжалиги махсулотларини импорт қилади. Бизнинг келгуси режаларимиз қаторида мармар гўшт етиштиришни нафақат хонадонларда йўлга қўйиш, балки йирик чорвачилик фермаларини ташкил этиш, соя етиштириш ҳамда уни экспортга йўналтириш каби ишлар бор.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро ишончга қўрилган алоқалар жадал ривожланмоқда, дейишга асослар етарли. Бунга машинасозлик, нефть-газ, кимё sanoатидаги бир қатор йирик лойиҳаларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин. Ва албатта, бизнинг ишшимиз ҳам айни шу алоқалар мевасидир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ («Халқ сўзи») эзиб олди.

Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига

Дўстлик, меҳр ва ҳамжиҳатлик байрами

Юртимизда Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу чин маънода дўстлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик байрамига айланиб кетди.

Пойтахтимиздаги «Халқлар дўстлиги» саройи олдидаги майдон ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Зеро, ушбу муҳташам сарой дўстлигимиз, ҳамжиҳатлигимизнинг ўзига хос тимсолидир.

Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилган кун муносабати билан юртимизда кенг нишонланаётган тадбир иштирокчилари 18 апрель кун мазкур ҳайкал пойига гуллар қўйдилар.

«Халқлар дўстлиги» саройида санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р. Қосимов, Россия Федерациясининг юртимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси В. Тюрденев мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ҳамда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташаббуси билан изчил равишда таъкидлади.

Ижтимоий барқарорлик, миллий ва диний конфессиялар ўртасида ўзаро тотувлик ва аҳилликни, ҳамжиҳатликни таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни асраб-авайлашга қаратилган узоқни кўзловчи оқилона сиёсат Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар муваф-

қажиятида устувор ўрин эгаллаши таъкидланди.

Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурматга асосланган алоқалар кейинги йилларда сифат жиҳатидан янада юксак босқичга чиқди. Бу ҳамкорлик сиёсий-ижтимоий соҳалар билан бирга, ишлаб чиқариш, инновацион технологиялар, таълим, тиббиёт, маданият ва санъат, илм-фан йўналишларида янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда.

1994 йилда ташкил этилган Ўзбекистон рус миллий маданият маркази Ўзбекистон ва Россия халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Марказ ва унинг юртимиз ҳудудларидаги бўлинмалари Наврўз, Мустақиллик, Хотира ва қадрлаш кунни, Конституция кунни каби умуммиллий байрамларнинг, «Ўзбекистон — умумий уйимиз» дўстлик фестивалининг доимий қатнашчиси. Ушбу тузилма томонидан турли ташкилотлар билан биргаликда ўтказилувчи Александр Пушкин, Михаил Лермонтов, Лев



Ў.А. сурати.

Толстой, Фёдор Достоевский, Анна Ахматова, Сергей Есенин каби рус шоир ва ёзувчилари ижодига бағишланган тадбирлар юртимиз адабий ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. «Театр баҳори», «Янгра, гармонь» фестиваллари, миллий «Масленица» байрами, «Романсида кечаси» мусиқий оқшомлари санъат илҳомландиргани яхши таниш.

Марказ қошидаги тўғарақлар ўзбек тили ва аъёнларининг ўрнини алоҳида аҳамият касб этса, «Табасум» болалар рақс жамоаси, «Калдирғоч» бадий студияси, «Куйлаётган юраклар» хор жамоаси турли танловларда иштирок этиб келади.

Ўзбекистон гоёт бағрикенг, қўшли диёр, — дейди Россиядаги «Московский Дом соотечественника» давлат муассасаси директори Пётр Гладков. — Бу ерга келётганимизда бир шоир дўстим ҳам Ўзбекистонга келишга жуда орзуманд эканини ҳаяжон билан айтиди. Негани, унинг онаси 1941 — 1945 йилларда минглаб гўдаклар, меҳрга зор одамлар каби Ўзбекистондан бош-

пана, ўзбек оиласидан меҳр ва эътибор топган экан. Дарвоқе, дўстимнинг онаси ҳозир ҳам ҳаёт. 91 ёшда умргузаронлик қилмоқда. Ҳануз бу диёрдан аҳиллик кўрган қанча-қанча одамлар ўзбек халқининг мардлигини миннатдорлик билан ёд этади. Бу ердаги самийий, меҳрга тўла муҳит Ўзбекистоннинг табаррук тупроғига қадам қўйган ҳар бир инсоннинг қалбига кўчиши, шубҳасиз.

— Мен шу заминда воёга етдим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, таниқли суҳандон Галина Мельникова. — Узимни Ўзбекистон фарзанди, Шарқ аёли деб санайман. Юртимиздаги тинч ва тотув, осойишта муҳитга барча ҳавас қилади. Рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллиги шундай ажойиб, қўшли кунларга тўғри келгани, гоёт кўтаринки ва байрамона руҳда ўтаётганидан барча шод.

Ўзбекистон рус миллий маданият маркази ташкил этилганининг чорак асрлик тўйи муносабати билан юртимизга ташриф бурурган россиялик меҳмонлар Тошкент

шаҳридаги Есенин уй-музеи фаолияти билан танишди. Улар эътиборига Ўзбекистон давлат академик рус драма театрининг спектакли ҳавола этилди. Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамкорлигида нашр этилган 100 томдан иборат «Рус адабиётининг дурдоналари» китоби тақдими адабий мухлислари учун ростмана совға бўлди.

Тошкент Фотосуратлар уйида ташкил этилган кўргазма юртимизда турли миллат вакилларининг эмин-эркин ижод қилиши учун зарур барча имконият яратилгани яна бир қарра тасдиқлади. Кўргазмага келган иштирокчиларнинг қай бири россиялик, ким ўзбекистонлик эканини деярли фарқлаб ҳам бўлмади. Она диёримизда ижод қилаётган кўплаб миллат вакилларининг асарларини уларнинг Ўзбекистонга бўлган меҳри ва эҳтирми намунаси, десак, янглишмаймиз. Кўргазма доирасида Рус миллий маданият маркази фаолиятига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ҳамюртларимиз тақдирланди.

«Халқлар дўстлиги» саройининг муҳташам сахнасида Ўзбекистон ва Россия санъат усталари, бадий жамоаларини, миллий маданият марказларининг ансамбллари иштирокидаги гала-концерт дўстлик байрамига янада кўтаринкилик, жўшқин руҳ бағишлади.

Назозат УСМОНОВА, Ў.А. мухбири.

Президент ташаббуслари — амалда

«ЯНГИҚЎРҒОН» ЯНГИДАН БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббус доирасида Тошкент вилоятининг Бўка туманида маданий-маърифий тадбирлар, китоб ярмаркаси, ҳашар ва спорт мусобақалари ўтказилди.



Ў.А. сурати.

Тадбирларда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Қ. Қуронбоев, Президент маслаҳатчиси ўринбосари Ф. Махмудов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, Бўка тумани 2-сектори ҳудуди аҳолиси, ёшлар иштирок этиди.

Ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун маданий таълим, компьютер саводдонлиги ва интернет марказлари, спорт тўғарақлари, китоб дўконлари, «Book safe» лар ташкил этиши, кутубхоналар фондини янгилаш, уй бекаларини тикув цехларига жалб қилиш каби вазифаларни сифатли бажариш, бу борадаги концепция ва тақлиф этилаётган ҳар бир лойиҳани амалга оширишга қўллаш мақсадида Бўка тумани тажриба-синдов тарихида танлаб олинди. Аини пайтда бу ерда кенг қўламли ишлар олиб борилаётган.

Бу борада туман 2-сектори, жумладан, Янгиқўрғон маҳалласи ҳудудида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган. Хусусан, маҳалла ҳудудидаги эски мактаб биноси таъмирланиб, 60 ўринли мактабга таълим муассасаси, 300 ўринли тикув фабрикаси ташкил этилмоқда.

Маҳалламизда 2150 дан зиёд аҳоли, жумладан, 1000 дан зиёд хотин-қизлар ва 500 га яқин ёшлар истикомат қилади, — дейди «Янгиқўрғон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси О. Гофуров. — Президентимиз ташаббуси билан ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича туманимизда бошланган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари кишлоғимизда ҳам жадал давом этмоқда. Жумладан, эски мактаб биноси ўрнида янги боғча, тикув фабрикаси ва замонавий кутубхона фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бу аҳоли, айниқса, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга хизмат қилса, мактаб стадиони таъмирланиб, у ерда барча шариоат яратилиши ёшларнинг спорт би-

лан мунтазам шуғулланишига замин яратилди.

Туман 2-сектори таркибидан 10 маҳалла фуқаролар йиғини бўлиб, қарийб 5 миң хонадонда 26 600 дан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг 13 миңдан ортиғи хотин-қизлардир. Янгиқўрғон маҳалласи ҳудудидаги стадионда мазкур сектор таркибидagi маҳаллалар аҳолиси учун концерт дастури намойиш этилди. Таниқли хонадонлар ва қизқичлар иштирокидаги байрам тадбирида катнашчиларга 5200 дан ортиқ китоблар бепул тарқатилди.

— Яқиндагина «Меҳробдан чаён», «Утган кунлар» ва «Алкимёғар» китобларини совға қилишган эди, — дейди 28-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси М. Абдурашова. — Туманимизда бошланган оммавий китобхонлик таъсирида қисқа вақтда ушбу китобларни деярли ўқиб бўлдим. Аини кунларда «Меҳробдан чаён»ни тамомлаётган эдим. Бугун «Елғизликнинг юз йили»ни совға қилишгани аини муддао бўлди. Президентимизнинг буқалиб ёшларга қаратаётган эътибори ва гамхўрлигига жавобан биз юртимиздаги бошқа тенгдошларимизга ўрнатилган бўлишимиз шарт. Ва шундай бўлади ҳам.

Тадбир доирасида миллий хунармандчилик маҳсулотлари ва расмлар кўргазмаси, меҳнат, арзонлаштирилган китоб ва кишлоқ ўрналиги асбоб-ускуналари ярмаркалари ташкил этилди. Сектор аҳолисига помидор, бодиринг ва булғор қалампир, гул ва дархат қўчатлари, 800 та парранда, 250 та қўён бепул тарқатилди. Шунингдек, сектор ҳудудидаги мактабларга 200 га яқин спорт анжомлари, 50 та мусиқа асбоби, 600 дан ортиқ ўқув қуроллари тарқатилди.

Шундан сўнг маҳалла ахли, ёшлар иштирокида ободонлаштириш ҳашари ўтказилди.

А. ХУДОЙҚУЛОВ, Ў.А. мухбири.

Янгиликлар

50 тонна помидор экспорт қилинди

Ёш тадбиркор Бахтиёр Раҳмонов раҳбарлик қилаётган «Гранд Бухоро агро» масъулияти чекланган жамиятига қарашли иссиқхонада 100 тоннадан зиёд помидор этиштирилиб, шунинг 50 тоннаси экспорт қилинди.

— Гидропоника усулида деҳқончиликни йўлга қўйиб, кам бўлмаямиз, — дейди Бухородаги ушбу иссиқхона агрономи, туркиялик мутахассис Ахмад Якар. — Уч гектар майдонда мўл ҳосил этиштирадик. Иссиқхона Испания технологияси асосида барпо этилган. Икки қаватли полиэтилен плёнка билан

ўралгани туфайли ичкарисида ҳарорат бир меъёрга сақланади. 30 — 40 фоиз энергия тежалайди. Барча ишлар компьютер воситида бажарилапти. Бу икки жиҳат нисбатан арзон маҳсулот этиштириш имконини бермоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Имкониятлар янада ошади

Андижон вилоятида 120 турдаги дори воситалари ишлаб чиқарувчи корхона иш бошлади.

— Таблетка, капсула, сироп ва бошқа турдаги маҳсулотлар тайёрлаш учун Хитой давлатидан энг сўнги русумдаги техника воситалари олиб келинди, — дейди корхона раҳбари Фарёзбек Шарабудинов. — Ушбу лойиҳани амалга оширишимизда банкнинг 17 миллиард сўм миқдоридagi маблағи қўл келди. Келгусида

маҳсулотлар сонини 130 тага етказиб, яна 50 та қўшимча иш ўрни яратамиз. «Biomedix» МЧЖга қарашли 25 миллиард сўм маблағ эвазига бунёд этилган ушбу корхонада 70 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

Саминжон ХУСАНОВ («Халқ сўзи»).

«REPUBLIKA MILK MARKAZI» МЧЖ

Бошлангич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига тақлиф этади!

Аукцион савдоларига Сергели тумани солиқ инспекциясига тегишли, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 6-уйда сақланаётган «Nexia» русумли, давлат рақами 01/434 MBA бўлган, 2008 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошлангич баҳоси — 43 835 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 20 май кунини соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати: 2019 йилнинг 17 май кунини соат 18.00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2019 йил 20 май кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 27 май ҳамда 3, 10 июнь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охириг мuddати 2019 йил

27 майдаги савдо учун 24 май, 3 июндаги савдо учун 31 май, 10 июндаги савдо учун 7 июнь кунлари соат 18.00 гача қабул қилинади.

Савдо голиби деб топилган шахсга 5 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юқлатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошлангич баҳосининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «RMM» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001. МФО: 01121, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Тел.: 71-228-79-52.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон давлат консерваторияси фахрий профессори, жамоат арбоби, маданият вазирининг жамоатчилик асосида ўқув-таълим муассасалари бўйича маслаҳатчиси Феликс Иманович БРЕДНЕВИЧ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

ASAKA BANK Хурматли тадбиркорлар! «АСАКА» БАНКИ бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар тақлиф этади: Коммерцбанк А.Г. (Германия); КФВ Ипекс банк (Германия); Ландесбанк А.Г. (Германия); Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки; Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида; Корея Республикаси Эксимбанки; Туркия Республикаси Эксимбанки; Халқаро тараққиёт агентлиги — «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида. Маълумот учун телефонлар: 78-120-82-01, 78-120-82-09, 78-120-82-24, 78-120-82-62, 78-120-82-96, 78-120-86-83. «АСАКА» БАНКИ — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи! www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев. Навбатчи — Д. Улуғмуродов. Мусахҳиҳ — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. Ў.А. якуни — 00.00 Топширилди — 01.10 1 2 3 4 5 6